

Маълумки электр энергетика тармогининг ишончли фаолият юритишини таъминламасдан туриб иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришиб бўлмайди.

Бундан бир неча йиллар олдин электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурати долзарб вазифалардан бири сифатида қайд этиларди.

Давлатимиз раҳбарининг энергетика соҳасидаги қатъий сиёсий иродаси сабаб юртимизда сўнгги йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, аҳолининг ишчанлик фаоллигини ошириш учун қулай шароит яратиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий соҳа ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Хусусан, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарори-



ЭНЕРГОИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ



га асосан электр энергияни яқуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ташкил этилди.

Жамият таркибидаги 12 та ҳудудий филиал ҳамда 2 та ҳудудий корхона томонидан (“Бухоро ХЭТК” ва “Фарғона ХЭТК” акциядорлик жамиятлари) 0,4-6-10-35-110 киловатт кучлинишли электр тармоқларини эксплуатацияси, шунингдек, мазкур объектларнинг ривожланиши доирасида янги қурилиш, реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга оширилади. Бундан ташқари 3 та филиал (“Энергосавдо” филиали, “Худудий қурилиш-монтаж дирекцияси” филиали, “Давлат харидлари маркази” филиали) томонидан электр энергияси истеъмолчиларига хизмат кўрсатилади.

Жамиятнинг 12 та ҳудудий филиали ҳамда 2 та ҳудудий корхонаси (“Бухоро ХЭТК” ва “Фарғона ХЭТК” акциядорлик жамиятлари) таркибидаги 211 та туман ва шаҳар электр таъминоти корхонаси тасаруфидagi 110-35-10 киловатт кучлинишли 1 минг 839 та подстанциядан узатиладиган электр энергияси 97 минг 3 дона трансформатор пункти ва 293,2 минг километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари орқали Ўзбекистон Республикасининг маиший ва юридик истеъмолчиларига етказиб берилади.

Энергетика соҳасида соғлом рақобат

муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, соҳага хорижий ва хусусий инвестициялар келишини кўпайтириш, нарх шаклланишининг эркин ва шаффоф механизмларини жорий қилишга асосланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларини ташкил этиш мақсадида 2023-2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш концепциясига мувофиқ: электр энергиясининг рақобатга асосланган улгуржи ва чакана бозорларини босқичма-босқич шакллантириш; электр энергетика тармогининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда соҳага хусусий секторни кенг жалб қилишга шароит яратиш; электр энергияси таъминотининг узлуksизлиги, барқарорлигини таъминлаш ва истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш; аҳоли учун электр энергияси таърифларини белгилашда ижтимоий ҳимоя механизмларини жорий этиш ҳамда республиканинг барча ҳудудларида 2035 йилга қадар аҳолига электр энергияси ягона нарх сиёсати асосида сотилишини таъминлаш; аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электр энергияси таъминотчиларини эркин танлаш ҳуқуқини бериш; электр энергиясининг улгуржи бозорида нархнинг талаб ва тақлиф асосида эркин шаклланишини таъминлаш, қулиқ савдосини йўлга қўйиш ҳамда барча харид қилиш ва сотиш операцияларини онлайн савдо платформаси орқали амалга ошириш; қайта тикланувчи энергия манбаларининг салоҳиятидан кенг фойдаланиш эвазига “яшил энергия” ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш; 2023-2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш концепцияси тасдиқланган бўлиб, бу борада “Энергосотиш” филиали муҳим аҳамият касб этади.

Жадақудуқ туманида паст кучлинишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилиш дастури доирасида тумандаги бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида замонавий СИП кабеллари тортилиб, янги трансформаторлар ўрнатилган. Бу каби ишларни “Ўргй” маҳалласида ҳам кузатиш мумкин. Худудда темир бетон устунлар ўрнатилиб, СИП кабель тармоғи тортилган. Туманда куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида ҳам қатор ишлар олиб боришмоқда. Ҳаво тармоқлари мукамал таъмирланиб, қийшайган таянч устунлар тўрирланиб, синган изоляторлар алмаштирилмоқда. Худудий электр тармоқлари акциядорлик жамияти “Энерго-

сотиш” филиали Андижон бўлинимаси Жалақудуқ туман бўлимида ҳам ишлар қизғин. Мазкур бўлим фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, жорий йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, дебитор қарздорлик 562,8 миллион сўмга камайитрилган, мунтазам олиб борилаётган рейд тадбирлари давомида бир қанча коидабўзар истеъмолчилар аниқланиб, уларга нисбатан чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим қилинган.

Маълумки, қуёш панелларидан фойдаланилганда электр энергияси текинга олинади. Қуёш панеллари орқали электр энергия ишлаб чиқарилганда атроф-муҳитга ҳеч қандай зарарли газлар чиқмайди. Энг асосийси, қуёш панели ўрнатилган пайдан бошлаб даромад олиб кела бошлайди. Бундай қурилмалар биноларнинг том қисмида ҳамда бўш ер майдонларга ўрнатилгани учун ишлаш жараёнида ҳеч қандай шовқин бўлмайди. Замонавий воситалар хонадонни узлуksиз электр энер-



гияси ва иссиқ сув билан таъминлаш имконини беради. “Энергосотиш” филиали Андижон бўлинимаси Жалақудуқ туман бўлими аҳоли хонадонларига қуёш панелларини ўрнатишда тегишли тарғибот ишларини олиб бориш билан бирга кўрсатмалар ҳам бериб бормоқда.

Қайд этиш кераки, бу қурилмани ўрнатиш жуда осон ва узоқ йиллар техник хизмат қурсатиш талаб этилмайди. Чунки мазкур қурилмалар махсус синов лабораториялар текширувидан ўтказилган ҳолда ўрна-



тилиши сабабли ўртача 20-25 йил давомида хизмат кўрсатади. Хонадон эгаси эҳтиёждан ортган қисмини электр тармоқлари корхонасига сотиб даромад қилиш ҳам мумкин. Бунда жисмоний шахслар томонидан ҳеч қандай солиқ тўловлари амалга оширилмайди. Қурилма ёрдамида хонадонини электр энергияси билан таъминлаган (ўрнатилган ер майдони учун) жисмоний шахслар 3 йил, тадбиркорлик субъектлари эса 10 йил давомида ер ва мулк солигидан озод этилади. Ўз навбатида жисмоний шахслар қуёш панелларини 3 йил муддатга фоизсиз, бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олишлари, тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлардан фойдаланишлари мумкин. Бунда, 5 киловаттгача бўлган қисмига бўлиб-бўлиб тўлаш имтиёзлари берилади.

Хонадон эгаси томонидан тўлиқ харид қилинганда қуёш панеллари харажатларининг 6 миллион сўмгача ва қуёш сув иситиш қурилмаларининг 2,1 миллион сўмгача бўлган қисми давлат томонидан қоплаиб берилади. Қурилмаларни ўрнатгандан кейин хонадон соҳибى электр таъминоти корхонаси билан электр энергиясини сотиб олиш бўйича шартнома имзолаш ҳуқуқига эга.

Хулоса ўрнида айтиш кераки, энергетика соҳасидаги давлат муносабатларининг кескин камайиши билан бозор муносабатларига ўтиш электр энергетикасини бошқариш тизимини такомиллаштиришга хизмат қиляпти. Бу эса мамлакатнинг энергетика хавфсизлиги, республика энергетика таъминотининг ишончилиги ва барқарорлиги таъминлаш, аҳолининг турмуш сифатини яхшилашда дастуриламал бўлмоқда.

Ж.АХМЕДОВ,
“Энергосавдо” Жалақудуқ туман бўлими бошлиғи

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда тиббиётни кенг микёсда ислох этиш юзасидан бир қатор Фармон ва қарорлар ҳаётимизда муҳим ўрин эгалламоқда. Шаҳар марказларидан тортиб, узоқ қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий тиббий жиҳозлар ва малакали мутахассисларга эга шифохона ва санаторийлар, поликлиникалар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.



Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлиги доимий назоратга олинган. Хусусан, бизнинг Шеробод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Хўжаикон туз гори санаторийсида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Санатория 60 ўринга мўлжалланган бўлиб, даволанаётган беморлар учун барча шароитлар яратилган. Абдумалик Қиличев бошқариб келаётган бўлимида битта врач, олти нафар ҳамшира ва битта фельдшер барча беморларга туну кун тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Асосан санаториямизда табиий муолажалар билан даволашни йўлга қўйганмиз. Туз билан муола-

жа, физиотерапия билан даволаш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Санаториямизга келаётган беморлар учун уч маҳал иссиқ овқат ҳам ташкил қилинган бўлиб, нафақат вилоятимиз қўшни давлатлардан ҳам беморлар келиб даволанишмоқда. Асосан аллергик ренит, аллергик фрингит, бронхиял астма, инфекцион аллергик формаси, туғунли бўқоқ, эндемик зоб, асаб системаси касалликлари даволанади. Шеробод туз горининг ўзига хослиги, кўрсатилаётган тиббий хизматлар, муолажаларнинг хилма-хиллиги ҳам сизни ўзига тортиши тайин.

Кулфиной ЙЎЛДОШЕВА,
катта ҳамшира

“Олмалиқ туман газ таъминоти” бўлими шаҳарда фаолият юритаётган 414 та улгуржи, истеъмолчилар 37000 та аҳоли хонадонларига, жумладан 25701 та кўп қаватли хонадонлар ва 11299 та хусусий уй-жой секторларига хизмат кўрсатади.

Шаҳарнинг йиллик истеъмоли 380 миллион 511 минг м³, шундан “Олмалиқ КМК” АЖ йиллик 260 миллион 653 минг м³, ҳамда аҳоли ва



ГАЗ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

бошқа истеъмолчилар йиллик истеъмоли 119 миллион 858 минг м³ни ташкил этади. Аҳоли истеъмоли йиллик 50 миллион м³ни ташкил этади. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва “Тошкент магистрал газ қувурлари” бошқармаси ҳамда “Худудгаз Тошкент” газ таъминоти филиали билан келишилган режа-жадваал асосида, бўлим балансида бўлган газ қувурлари ва ундаги газ жиҳозларини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида талайгина ишлар амалга оширилган. Мавсумда истеъмолчиларни

табиий газ билан таъминловчи 132 та, юқори ва ўрта босимли газ тақсимлаш қурилмаларини мuddатидан олдин техник тафтишдан ўтказиш ишлари бажарилган. Истеъмолчиларни табиий газ билан таъминловчи турли диаметри жами 88,8 км. узунликдаги юқори ва ўрта босимли газ қувурларини босим остида зичликка ва мустаҳкамликка синаш ишлари режага қиритилган. Ер ости газ қувурларининг ҳолатини прибор усули ёрдамида текшириш режага киритилган. Газ қувурларининг коррозияга учрашини



олдини олиш мақсадида 8,5 км. газ қувурларини бўёқлаш ишлари амалга оширилмоқда. Газ тақсимлаш нуқтасини мукамал таъмирлаш режага икки дона киритилган бўлиб, амалда икки дона мукамал таъмирланди. Олмалиқ шаҳридаги аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларига табиий газни бир маромда етказиб бериш ва иқтисод қилиш мақсадида бир ва қатор ишлар амалга оширилди. Шаҳарнинг Чамбил ва Мўқимий МФЙлар ҳудуди аҳоли истеъмолчиларига бир маромда табиий газ етказиб бериш мақсадида уч босқичли газ таъминоти тизимидан икки босқичини газ таъминоти тизимига ўтказиш учун 687 дона газ ростлагичлар ўрна-

тилди. “Ҳилол” МФЙдаги Ғалаба, Бобур, Маматқулов, Богаро кўчаларидаги хонадонларни бир маромда табиий газ билан таъмилаш мақсадида газ қувурларини халқалаш учун 680 метр ер усти юқори босимли, 180 метр ер усти ўрта босимли газ қувурлари ва бир дона юқори босимли ГТН ўрнатилди. “Зарбулоқ” МФЙ ҳудудида жойлашган “Ёшлар кичик саноат зонаси”ни табиий газ билан таъмилаш мақсадида жами 554 метр ер усти ўрта босимли газ қувурлари ўрнатилди.

А.АБДУГАППОРОВ,
“Олмалиқшаҳаргаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи

ТАДБИРКОР – ЭЛГА МАДАДКОР

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат иқтисодиётида алоҳида ўрин тутadi. Кўпгина назарий ва амалий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес иқтисодиётда йирик бизнесларга нисбатан кўплаб афзалликларга эга.



Сўнгги йилларда иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар,пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб негизи хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш, уларга эркинликлар яратиш ҳамда иқтисодиётнинг етачки кучига айлантиришга қаратилгандир. Иқтисодиётни модернизацялаш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш-

га сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган,балки бутун жамиятга фойда келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Юртимиздаги тадбиркорлик субъектларидан бири ҳисобланган Сурхондарё вилоятидаги “Чорвоқ баракали туз” МЧЖ ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёздан унумли фойдаланиб келмоқда. Баҳодир Мелиев бошқариб келаётган ушбу тадбиркорлик субъекти ош тузини қайта ишлаб чиқаради. Покистондан келтирилган технология асосида фаолият юритаётган ушбу корхона ош тузининг 6 хил тур-



да ишлаб чиқаради. Ишлар бир сменада ташкил этилган. МЧЖда 11 та иш ўрини яратилган бўлиб, ишчилар учун иссиқ овқат, махсус кийим-бошлар, дам олишлари учун барча шароитларга эга хоналар ва ювиниш жойлари мақтовга арзигулик. Мавсумий ишчилар учун ҳам барча қулайликлар яратилган, ўртача иш ҳаққи эса 4 миллион сўмни ташкил этади. Қарийиб, 35 йил савдо соҳасида фаолият юритган иш бошқарувчи, тадбиркор Баҳодир Мелиев чакқон, ташаббускор ўз ишининг моҳир устаси десак, ҳато қилмаган бўламиз.

— Корхонамиз тасарруфида битта экскаватор, иккита КаМАЗ ва битта қадоклаш цехи мавжуд бўлиб, ишлаб чиқарилаётган ош тузини Республикаимизнинг барча жойларига етказиб беришни йўлга қўйганмиз. Қўшни давлат Қозғистонга чорва учун ялама туз маҳсулотини экспорт қиляпмиз, — дейди Баҳодир Мелиев. — Хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Буни эришилаётган натижалар кўрсатиб турибди.

Ўз мухбиримиз



БАНК АҲОЛИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

“Агробанк” АТБ Жаркўргон филиали мижозларга сифатли ва намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Филиал ходимлари мижозлар билан учрашувлар ўтказиб, уларга молиявий кўмак бериб келмоқда. Филиал томонидан туманда истиқомат қилаётган беш нафар оилага ҳомийлик ишларини йўлга қўйганмиз.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Агробанк” АТБ Жаркўргон филиали раҳбарияти кам таъминланган оила-ларга ўзларининг беминнат хизматларини аъло даражада кўрсатиб келишмоқда. Айниқса, камбағал оила-ларнинг бўш ва қаровсиз турган то-морқаларидан унумли фойдаланиш-лари, экин экишлари учун тайёр ҳолатга келтириб, ишлов берилган ер майдонларини тайёр ҳолатга кел-тириб беришмоқда, ушбу оила фар-зандларининг боғча пуллари ҳам банк ходимлари томонидан тўлаб

берилмоқда. Байрамларда совғалар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва турли кийим-кечаклар билан таъминлаб келинмоқда. Камбағал оила фарзан-дларининг таълим олишлари учун уй шароитида ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Ушбу савоб ишларни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, ўз навбатида бу шиор бизнинг кунда-лик иш фаолиятимизга айланган.

Азамат ЧОРИЕВ,
АТБ “Агробанк” Жаркўргон
филиали бошқарувчиси.

Talabalarda tadqiqotchilik kompetensiyasini shakllantirish: CHDPU tajribasi



Замонавий та’лим тизими talabalar oldiga nafaqat nazariy bilimlarni egallash, balki mustaqil fikrlash, ilmiy izlanish olib borish, muammolarni tahlil qilish va innovatsion yechimlar ishlab chiqishdek dolzarb vazifalarni qo’ymoqda. Bu borada tadqiqotchilik kompetensiyasining shakllanishi har qanday oliy ta’lim muassasasi uchun ustuvor yo’nalishlardan biridir. Chirchiq davlat pedagogika universiteti (CHDPU) Fizika kafedrasida ushbu maqsadga erishish yo’lida samarali ishlar amalga oshirilmogda.

CHDPuda o’qituvchilar va talabalarining ilmiy izlanishlarga jalb etilishi tizimli asosda tashkil etilgan. Jumladan, 2024/2025 o’quv yili davomida Fizika kafedrasida tomonidan umumiy astronomiya va astrofizika fanlari doirasida ishlab chiqilgan yangi o’quv dasturlar, laboratoriya ishlanmalari va amaliy mashg’ulotlar aynan tadqiqotchilik ko’nikmalarini rivojlantirishga

yo’naltirilgan.

Tajribali pedagog olimlar rahbarligida talabalar mustaqil tadqiqot ishlarini olib borishmogda. Magistratura bosqichida esa ilmiy-pedagogik ishlar va magistrlik dissertatsiyalari ustida olib borilayotgan izlanishlar chuqurlashtirilgan tahlil va raqamli texnologiyalar bilan boyitilmogda.

Raqamli astronomik axborot bazalari, masalan, NASA ADS,

Stellarium, Aladin Sky Atlas kabi vositalardan foydalanish orqali talabalar virtual kuzatuvlar va ma’lumotlar tahlilini o’rganishmogda. Bu esa ularning zamonaviy ilmiy axborot bilan ishlash, real ilmiy muammolarga yondashuv va ularni tahlil qilish malakalarini mustahkamlamogda.

Professor-o’qituvchilar tomonidan yozilgan “Astrofizika: laboratoriya ishlari”, “Umumiy astronomiya” kabi darslik va o’quv qo’llanmalar aynan amaliyotga yo’naltirilgan hamda zamonaviy ilmiy usullar bilan boyitilgan.

CHDPU olimlari, jumladan, dotsent A.M. Tillaboyev tomonidan tayyorlangan maqolalar Estoniya,

yordamida astronomiyani o’qitish, fizika fanini sun’iy intellekt bilan integratsiyalash kabi dolzarb mavzularda tezislar taqdim etishmogda.

Fizika kafedrasida doirasida faol amalga oshirilayotgan ustoz-shogird an’anasi doirasida iqtidorli talabalar fan olimpiadalari, konferensiyalar va grant loyihalarda qatnashmogda. Shu bilan birga, o’zlashtirishi sust bo’lgan talabalar bilan individual ishlash tizimi ham tadqiqotchilik ko’nikmasini bosqichma-bosqich shakllantirishga xizmat qilmogda.

CHDPU tajribasi shuni ko’rsatmogdaki, ta’lim jarayoniga tadqiqotchilik yondashuvini



Ruminiya va boshqa xorijiy jurnallarda nashr qilindi. Xususan, “Raqamli astronomik axborot bazalari asosida talabalarining tadqiqotchilik kompetensiyalarini rivojlantirish usullari” mavzusida yozilgan maqola Namangan davlat universiteti ilmiy jurnalida chop etildi.

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyalarda talabalar va ularning ilmiy rahbarlari faol ishtirok etib, mobil ilovalar

integratsiya qilish orqali nafaqat fanlar chuqur o’zlashtiriladi, balki yoshlarning mustaqil fikrlash, izlanish va yangilik yaratish salohiyati ham kengayadi. Bunday yondashuvlar kelajakda yurtimiz ilm-fanining yangi avlod vakillarini tayyorlashga xizmat qiladi.

Abdurazzoq ERNAZAROV, p.f.f.d. (PhD), CHDPU Fizika kafedrasida dotsenti v.b.

ГАЗ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Сирдарё вилоятида аҳолининг газ таъминоти доимий эътиборда. “Hududgaz Sirdaryo” газ таъминоти филиали ва унинг туман, шаҳар газ таъминоти бўлимлари ходимлари томонидан суолтирилган газ баллонлари аҳолига ўз вақтида хавфсиз ҳолатда етказиб берилмоқда.



Бугунги кунда сирдарёлик газ истеъмолчиларнинг 81770 тадан ортигини суолтирилган газ истеъмолчилари ташкил этади. Йил бошидан бери аҳолига 3390,28 тонна суолтирилган газ етказиб берилди. Барча истеъмолчиларга иккита газ тўлдириш шохобчалари орқали суолтирилган газ етказиб бериш йўлга қўйилган. Истеъмолчиларга жами 21 дона махсус маиший газ баллонларини ташувчи автотранспортлар хизмати таҳсинга лойиқ. Биргина, “Sayhunobod” газ тўлдириш шохобчаси вилоятнинг Боёвут, Ховос, Оқолтин, Гулистон, Сардоба, Мирзаобод, Сайхунобод туманларига беминнат хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Шохобчада ишчи-ходимлар учун барча шароитлар яратилган, хавфсизлик чораларига каттиқ амал қилган ҳолда, мижозларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Вилоятнинг яна бир “Sirdaryo Propan GNS” газ тўлдириш шохобчаси эса, Сирдарё тумани ва Бахт шаҳри истеъмолчиларига намунали хизмат қилмоқдалар. Мазкур шохобчада ҳам барча шароитлар яратилган хавфсизлик чоралари кўрилган. Шохобчада хизмат қилаётган ишчи-ходимлар эса махсус кийим-бошлар билан таъминланган.

“Hududgaz Sirdaryo” газ таъминоти филиали Ахборот хизмати.